

# TILSHUNOSLIKDAGI ZAMONAVIY YO'NALISHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR



ONLAYN

XALQARO ILMIY-AMALIY

KONFERENSIYA

Andijon - 2020

<http://conference.adu.uz>

интилади, ундоши иккиланган сўзга диққатни жалб этади: *-Эшиак... - деб қўшимча қилиб қўйди.(?)(Худойберди Тўхтабоев).*

6. *Сув-в!..- деди ўзига келиб.(Ўлмас Умарбеков)*

7. Оҳанг орқали гап мазмуни (дарак, сўроқ, ундов) ўзгаришидан ташқари пичинг, кесатик, жеркиш, ачиниш, койиш, шодлик каби эмоционал ҳолатлар ифода этилиши ҳам мумкин. Демак, интонация бу вазиятда маънони кучайтириш, бўрттиришга хизмат қилади.<sup>1</sup>

Демак, айтиш мумкинки, бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам гапнинг коммуникатив тузилишида просодик воситаларнинг ўрни беқиёс. Интонация воситасида гап мантикий тугалланганлик, предикативлик белгисига эга бўлади. Жумла урғуси хабарнинг семантик марказини - ремани ифодалайди. У нутқ оқимини гапларга, гапларни эса синтагма ва нутқий вазиятларга ажратади ва, шу билан бирга, сўзларни синтагма ва гап ичига бирлаштиради.

#### Адабиётлар

- 1.Иминов М., Нўймонов Т., Бобохонова Д. Ўбек тили услубияти масалалари «Наманган» нашриёти, Наманган, 2007
- 2.Ойбек Бозоров. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив(актуал) тузилиши. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Фарғона, 2004
- 3.Crystal, David. "Prosodic features and linguistic theory". The English tone of voice: essays in intonation, prosody and paralanguage. Edward Arnold, 1975, 21Б
- 4.Wells, J. C. English Intonation PB and Audio CD: An Introduction. Cambridge University Press, 2006

## UZTEXTANALYSIS – ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ АВТОМАТИК ТАҲРИР ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

*Абжалова М.А., ф.ф.доктори (PhD),  
Эргашева Н.А., катта ўқитувчи, Навоий давлат кончилик институти  
Азизова С.Т., Навоий ВХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Миллий тилнинг кенг истеъмолга кириши ва дунё ҳамжамиятида ўз нуфузи ва мавқеига эга бўлиши учун унинг грамматик меъёрлари асосида лингвистик дастурлар яратиши ва компьютер технологияларида ёзма нутқни таҳлил қилиши ва оғзаки нутқий сигнални кодли маълумотга айлантириши имкониятини яратиши, мухтасар айтганда миллий тилнинг ахборот-коммуникация тили шаклини яратиши зарур ҳисобланади. Мазкур мақолада шу нуқтаи назардан яратилган ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрир ва таҳлил қилувчи дастур имкониятлари хусусида сўз юритилган.

**Калим сўзлар:** *Uztextanalysis, автоматик таҳрир, матн таҳлили, дастурий таъминот.*

**Annotation.** *In order for the national language to be widely used and gain its authority and position in the world community, it is necessary to create linguistic programs based on grammar standarts, as well as analyze written speech in computer technologies and convert the speech signal to encoded information. This article discusses the possibilities of automatic editing and analysis of Uzbek texts created from this point of view.*

**Key words:** *Uztextanalysis, automatic editing, text analysis, software.*

**Аннотация.** *Для того чтобы национальный язык стал широко использоваться и завоевать его авторитет и положение в мировом сообществе, необходимо создавать лингвистические программы, основанные на грамматических стандартах, а также анализировать письменную речь в компьютерных технологиях и преобразовывать речевой сигнал в кодированную*

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба, 48Б

информацию. В данной статье рассматриваются возможности автоматического редактирования и анализа узбекских текстов, созданных с этой точки зрения.

**Ключевые слова:** Uztextanalysis, автоматическое редактирование, анализ текста, программное обеспечение.

Бугунги кунда мамлакатимизда саводхонлик маданиятини ошириш, давлат тилимизнинг мавқеини мустаҳкамлаш, ўзбек тилининг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони чиқди. Фармонда таъкидланганидек, ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўллашиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Шу боис ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, ўзбек тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш каби вазифалар ниҳоятда долзарблиги билан алоҳида эътиборга молик.

Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан матнни электрон ҳисоблаш машиналари воситасида таҳрир қилиш муаммоси ўрганила бошлади, натижада табиий тилнинг грамматик қонуниятларига асосланган матн таҳрир ва таҳлилларининг лингвистик таъминотлари замирида замонавий ахборот технологиялари дастурлари юзага келди.

Маълумки, матн таҳрири жараёнида инсоннинг психологик ва индивидуал ҳолатлари (қобилияти, ижтимоий-руҳий вазияти, характери, темпераменти) муҳим аҳамиятга эга. Компьютерда (клавиатура орқали) матнни териш ёки таҳрир қилишда диққатнинг бўлиниши, салбий ёки ижобий ҳис-туйғуларнинг барқарор эмаслиги ёхуд орфографик, грамматик, пунктуацион ва стилистик билимларнинг мукамал эмаслиги матнда турли имловий ва услубий хатоларнинг йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва матнларни саводли ёзиш учун қулайлик яратишдаги тезкор усуллардан бири илмий тадқиқотимиз натижасида яратилган Uztextanalysis – ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрир ва таҳлил қилишга мўлжалланган дастурий таъминотини янада такомиллаштиришдир.

Маълум бўлганидек, галдаги мақсад ўзбек адабий тилидаги матнларни графематик таҳрир ҳамда морфологик-синтактик таҳлил қилувчи дастурнинг ўзбек тили луғавий бойлиги ва формал лингвистик қоидаларини ўзида мужассам қилувчи лингвистик таъминотни бойитиш, шу орқали лисоний, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, мутахассисларнинг шахсий-касбий қобилиятларини ривожлантириш, ёшларда миллий тилимизга бўлган фахрни мустаҳкамлашдир.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур саналади:

- ўзбек тили сўз туркумлари модулида лексик-грамматик кодни шакллантириш мақсадида фонологик, морфонологик ва орфографик қоидалар алгоритминини такомиллаштириш;

- синтактик ва семантик кодни шакллантирувчи сўз бирикмаларининг лингвистик моделларини мукамаллаштириш;

– Uztextanalysis дастурининг автоматик лингвистик таҳлил модулларини самарадорлигини ошириш, лингвистик таҳрирлаш ва таҳлил қилиш дастурини яратишда аниқланган графематик ва лингвистик муаммоларни бартараф этиш;

– “Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари” мавзусидаги тадқиқот иши давомида яратилган миллий корпусга эга бўлмаган табиий тиллар матнларидаги омоним шаклларни таҳлил қилиш усулини дастурий таъминотга татбиқ этиш;

– дастурнинг лингвистик таъминотини лексикографик манбалар асосида бойитиш.

Тил материални ахборот технологиялари орқали таҳрир ва таҳлил қилувчи тезкор ва иқтисодий тежамкор технологик манба бўлиш баробарида саводхонликни оширишда ҳам муҳим омил саналади. Зеро, глобаллашув ва жадал ривожланаётган фан-техника даврида жуда катта ҳажмдаги ахборот устида тезлик билан ишлаш ва самарали натижа олиш жуда зарур. Шу маънода, Uztextanalysis – матнларни автоматик таҳрир ва таҳлил қилиш дастурини инновацион таълимнинг бир кўриниши сифатида қайд этиб, унинг қуйидаги имкониятларга эга эканлигини кўрсатиш мумкин:

- 1) турли ҳажмдаги матнларни тезкор таҳрир қилади;
- 2) матн терувчининг ёзма нутқ малакасини такомиллаштиради;
- 3) фойдаланувчига матнларни мустақил равишда тўғри ва саводли ёзишида кўмак беради;
- 4) ўзбек тилининг лексик, грамматик меъёрларини ўрганишда лингвистик манба вазифасини ўтайди.

Қолаверса, дастурнинг лексик, грамматик меъёрларини ўрганишда лингвистик манба бўла олиш имкониятига эгалигидан айтиш мумкинки, таълим ўзбек тилида олиб борилаётган бошқа Республикалардан ҳам бу маҳсулотларга буюртма олиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, дастурнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Uztextanalysis дастурини такомиллаштириш ва ўзбек тилининг Интернет тармоғи ҳамда компьютер технологияларида фаол истеъмолда бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши жоиз ҳисобланади:

1. Microsoft корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, Microsoft Word матн муҳарририда Uztextanalysis – ўзбек тилидаги матнларни синтез ва таҳлил қилиш пакетини яратиш орқали жаҳондаги барча шахсий компьютер ва бошқа ахборот технологияларидаги матн билан ишлайдиган дастурларда ўзбек тили пакетининг мавжудлигини таъминлаш даркор.

2. Off-line режимида ишлайдиган Uztextanalysis дастурининг online режимида ўзбек тилидаги сўз, сўз бирикмаси, жумла, умуман, матнни таҳлил қилиш (веб-браузерларда) имкониятини яратиш керак.

Бугунги кунда Firefox 2.0 каби веб-браузерлар кўплаб электрон сайтларга, блогларга ва ижтимоий тармоқларга фойдаланувчи томонидан ёзиладиган ҳар қандай ҳажмдаги матнларнинг имлосини текшириш, Wikitextни таҳрирлаш имкониятига эга. Шунингдек, Google Chrome, Konqueror и Opera веб-браузерлари, KMail почта mijozisi ва Pidgin лаҳзали хабарлашувлари GNU Aspell ва ҳозирда Hunspell системасидан фойдаланиб, автоматик имло текширишни таклиф қилмоқда. Mac OS X (Макинтош операцион) системаси ҳозирда бошқа барча системалар учун автоматик орфографик текширишга эга бўлиб, бу хизматни янада такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Худди шу эзгу мақсадда ўзбек тилидаги

матнларнинг веб-браузерларда таҳрир ва таҳлил қилинишига эришиш ҳамда MS Word дастурида ўзбек тили пакетини яратиш долзарб масала ҳисобланади.

#### Адабиётлар

1. Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун): Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Фарғона, 2019. – 164 б.

2. [http://gramota.ru/slovari/types/17\\_5](http://gramota.ru/slovari/types/17_5)

3. [http://www.wikipedia.org/wiki/artificial\\_intelligence.html](http://www.wikipedia.org/wiki/artificial_intelligence.html)

4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Spell\\_checker](https://en.wikipedia.org/wiki/Spell_checker). Peterson, James. Computer Programs for Detecting and Correcting Spelling Errors. 1980.

## ТАСАВВУФ ИСТИЛОҲЛАРИНИНГ ЛУҒАВИЙ МАНБАСИГА КЎРА

### ТАСНИФИ (АФФИКСАЦИЯ УСУЛИ)

*Ахатова М. С., ф.ф.н., ЎЗЖОКУ*

*Аннотация.* Ясама сўзлар морфологик структура нуқтаи назаридан эмас, балки луғавий структура нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Ясама истилоҳларни ҳосил қилиш учун асос бўлувчи элементларнинг луғавий манбаларини фарқлашга ҳаракат қилинди. Аффиксация усулида ясалган истилоҳлар таснифи келтирилди.

Илмий ишларда туб, ясама ва қўшма сўзлар, бирикмалар грамматик нуқтаи назардан яхши ўрганилган. Аммо тадқиқотларда деярли сўзнинг луғавий манбасини белгилашга эътибор қаратилмаган. Соҳаларга оид қатламни ана шу аспектда таҳлил қилиш нафақат сўзларнинг луғавий манбасини аниқлайди, балки уларнинг қайси тилда ясалган, пайдо бўлганини кўрсатувчи элементларни ҳам тўғри белгилашга имкон яратади. Бу асл туркий туб, ясама, қўшма ва бирикма типдаги сўзлар билан бошқа тилдан кирган ўзлашмаларни аралаштириш хавфидан халос қилади.

“... Ўзбекча сўзлар ясашга хизмат қилувчи арабча, форс-тожикча ва русча-интернационал сўзларнинг аксарияти келтирилган маънода ички ресурс характеридадир. Чунки улар ўзбек тили луғат таркибида аллақачон ўзлашган ва бу тилнинг ўз сўзи бўлиб қолган” [1,130].

Тасаввуфий қатлам доирасида ясама, қўшма, бирикма ҳолидаги истилоҳлар тил манбасига кўра уч усулда ясалади: 1) аффиксация усули; 2) синтактик усул; 3) гибрид, яъни аралаш усул. Қуйида аффиксация усули (морфологик усул) хусусида фикр юритилади:

Лексемаларнинг ясалишида ясовчи морфемаларнинг иштироки, сермахсуллиги ёки каммахсуллиги, улар англлатувчи маъно кирралари маълум фарқли томонларга эга. Морфологик (аффиксация) усулда ясалган истилоҳлар ҳам луғавий манбасига кўра 2 гуруҳга ажратилади:

**I. Туб туркий сўзлар негизда ясалган тасаввуф истилоҳлари.** Асл туркий сўзларга ўзбекча аффикслар қўшилиши орқали, яъни **туркий сўз+ўзбекча аффикс** қолипи асосида тасаввуф истилоҳи ҳосил бўлади: **кенг+лик, ўз+лик, йўқ+лик, қул+лик, телба+лик, тирик+лик, бек+тош+ий+лик, бор+лик, эврил+иш, кўрқ+ув, йўл+чи, бек+тош+ий** ва б.

**II. Ўзлашган сўзлар негизда ясалган истилоҳлар.** Ўзлашган сўзлардан тасаввуфий истилоҳ ҳосил қилишда: 1) ўзбекча қўшимчалар; 3) арабча аффикслар; 2) тожикча аффикслар, аффиксоид; 4) русча-интернационал аффикс катнашади.

**1. Арабча ўзлашмалар негизда ясалган истилоҳлар:**